

А. УЗОНОВ

АКА-УКА БИР БЎЛСА

Утган йилнинг кузи эди. Жамоа хўжалиги бошқаруви тажрибали деҳқон Райимжон Абдурахмоновнинг «Москва» участкаси бошқарувида таъсис этилди. Бу янгиликни ҳамма қониқиб билан қабул қилди. Ил йилининг қадр у бригадага ҳам раҳбарлик қилди. Ўзига қимми қўйиш керак? Бу жамоада мунтазам равишда ҳосилдорлик ошиб, ҳар йили белгиланган режалар шараф билан урдаланган. Демакки, ишчи ана шу анъаналарни собит қадимлик билан давом эттирадиган кишига топириш керак. Хўжалик бошқаруви ҳам, сабаботкорлар ҳам шу масалада узоқ тортишди. Охири Райимжон аканинг ўзидан сўради. У дилда туғиб юрган фикрини билдирди. Абдуллажон Муллабоев 18-бригада раҳбарлигига сайланди.

У кишлоқда туғилган. Ёшлигини далага чиқиб, отаси Қорабой акага яқиндан ерданлашти. Укаси Абдусаттор билан бўш вақт топи деғунча ҳовлидаги, сўнг даладаги ишларга кўмаклашди. Мақтабни, кейин ўрта хўна-техника билим юртини тамомлаб, хўжаликда механизатор бўлиб ишлади. 20 йилдирки, сабаботкорлар сафига баҳоли қудрат меҳнат қилапти. 16 йил механизаторлик касбини шарафлади. Ёзинг жазираси иссиғида ўсимлик қатор оралиғига ишлов бериш, пишиб етилган ҳосилни белгиланган жойга ташиш, қўйинчи, ниманики топириқ бўлса сидиқданди, ҳалол бажаришга одатланди. Меҳнатга ана шундай жонқурлик билан муносабат туғайли Абдуллажон кўпчилик эътиборини ўзига тортиди. Ҳаммаси унинг ўзидан оқиб, кўпми ҳурмат қозонди. Бу йил эса устози ўзига етакчи қилапти.

— Механизаторликда иш тайин, — дейди Абдуллажон Муллабоев, — Бригадирлик қийин ва мураккаб экан.

Аммо устозим Райимжон ака Абдурахмоновдан, хўжаликнинг раҳбар, мутахассисларидан хурсандман. Оғир давларда улар қимматли маслаҳат ва ёрдамларини аямайдилар.

Бугунги кунда жамоа хўжалигининг мазкур участкасидаги 6 та бригаданинг етакчилари асосан Райимжон Абдурахмоновнинг шогирдларидир. У бир сўзга, кўйди-пишди деҳқон сифатида танилган. Ҳар кун дала айланиб, одамлар билан маслаҳатлашади. Айниқса, 18-бригада унинг учун қадрли. Бу ерда узоқ йиллар елкама-елка туриб, меҳнат қилган, қувончли кунларни ҳам, таъиниш давларини ҳам бирга баҳам кўрган сафдошлари бор.

Яхши ният ва кўтариш кайфияти 18-бригада сабаботкорлари учун кундалик иш мезонига айланган. 29,5 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган сабаботкорлар ўн турдаги экин парваришини маромда ўтказишди. Иш пудрат асосида таъкил қилинган, 6 гектар ердаги эртанги қарамдан 184 тонна ҳосил топирилди. Икки гектардан 40,5 тонна сабзи олинди.

— Сир эмас, — дейди биз билан суҳбатда участка етакчиси Райимжон Абдурахмонов, — сабаботчилик экин турлари бўйича якунлардан кўпчилигининг кўнгли тўлмайди. Айниқса, бодринг етиштириш қийин кечади. Бу борада ўғариш ясалди. Муқаддасхон Муҳидинов 0,5 гектар ердан 10,5 тонна бодринг топириб, шартномани бажарди. Обидхон Ётаббердиев ҳам яхши кўрсаткичга эришди.

Деҳқонга мустақиллик ижобий самара берапти. Хусусан Абдурахим Йўлдошев, Рашидхон Холматов, Гофуржон Қозоқбоев каби миришкорлар фаолияти бунга мисол. Уларнинг асосий экин майдонларини помидор эгаллаган. Пудратчи Фахриддин Намолов хўжаликда биринчи

бўлиб шартнома топиригини бажарди. У ҳозирча 0,5 гектар ердан 20 тонна маҳсулот сотди. Имкониятини чамалаб чиқиб, яна беш тонна помидор етиштириш қаратди. Обидхон Қаримов эса 30 тонналик маррани мўлжаллапти.


— Хўшбагарнинг қаноти бор. Бугун йиллик режани урдаладик, — дейди Абдуллажон Муллабоев завқ билан. — Лекин Наманган консерва заводидан олинган сўнгги текирув ва таҳлилларга қараб тузимиз. Чунки ҳосилнинг ҳар юз фоиздан 5—6 фоиз яроқсизга чиқарилади.

Ахил жамоа нафақат хўжалик ёки районда, балки Наманган вилоятида биринчи бўлиб йиллик маррани забт этди. Ҳар гектар ердан 310 ўрнига 323 центнердан хирмон кўтаришди. Бригада ҳозирча қалар қўзланган 280 минг ўрнига 435 минг сўм даромад қилди. Бир гектар ердан 15 минг сўм даромад олинапти.

Натрада қўёш акс этади. Дастлабни довланди ошиб ялли ҳосилни 1200 тоннага, гектар ҳосилдорлигини 415 центнерга етказиш учун курашаётган 18-бригада ортидан Абдуллажоннинг ўкаси раҳбар бўлган Абдусаттор Муллабоев бошлиқ 16-бригада ҳам зафар кучди. Пешқадим жамоалар етакчилигини хўжалиқдагилар омадди ана-уналар дейишапти.

— Бизнинг жамоамиз сабабот етиштиришга ихтисослашган йиллик хўжалиқлардан. Утган йили хўжалигимиз сентябрь ойи охирида йиллик режани адо этганди. Бу йил ундан илгарироқ урдаладик. Қувончли натижаларга эришляпти. Абдуллажон Муллабоев бригадаси топириган маҳсулот 5 минг тоннадан ошди. Ҳозирча қалар 20 та бригадани яримдан кўпи галаба манзилга етиб келди, — деди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Сирожиддин Маъруфов.

А. ҚОРАБОВ.



СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР

Ўлкамизда куз. Бободоҳқон меҳнати билан етиштирилган мева ва сабаботлар пешма-пеш йиғиштириб олиниб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этилапти. Табиғий, айрим маҳсулотлар истеъмолчига етиб боргунча ўз сифатини йўқотади. Нима қилиш керак?

Беруни номли шўро хўжалигида очилган қайта ишлаш цехи бу муаммони ечишда қўл келаяпти. Кўпгина хотин-қизлар ижтимоий меҳнат билан шугулланиш имкониятига эга бўлишди.

Самара чакки эмас. — Биз Свердловск шаҳри билан ўзаро шартнома тузганмиз, — дейди цех бошлиғи М. Ҳожибоев. — Маъсумда 20 минг шартли банк мева ва сабабот жўнаштиб, эвазига қурилиш материаллари оломокчимиз. Кези келганда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Кўп ҳолларда шиша банка, қопқоқ, уксус

кислотасига танқислик сезаяпти. Мавсумнинг қизғин палласида ишчиларимиз бекор туриб қолишапти. Бунинг устига электр чирогининг ўчиб қолиши ортиқча. Муаммоларни биров ҳал этиб бермайди. Шундай боиз, ҳаракат қиламиз.

Корхонада асосан 8 хил маҳсулот, томат пастаси, помидор ширати, маринадланган патиссон, бодринг, ўрик компоти, тузланган қарам, олма ҳамда қовун қоқи тайёрланади. М. Абдуллаев, И. Раҳмонов, Г. Шарипова, С. Жаборовна, С. Қаримова, Р. Ўзробоёва каби илғорлар белгиланган топириқни ошири билан адо этаётгилар.

3. САДАДИНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмларини кўпайтириш, рағбатлантириш, қишлоқ меҳнатқилларининг моддий фаровонлигини ошириш, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналарининг молиявий аҳолини мустақамлаш мақсадида 1990 йилнинг августда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг асосий турларига янги эриш наҳллари белгиланган эди. Бу йил ҳам қисб-қитоблар ана шу наҳлларда амалга оширилди.

Бироқ, 1991 йилда саноат маҳсулоти, ёқилғи, энергия, бинокорлик материаллари ва бошқа моддий-техника ресурсларининг улгурчи наҳллари, шунингдек транспорт хизмати тарифлари оширилганлиги, янги солиқлар жорий этилганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга хўжаликларнинг харажатлари анча қўпайди.

Бундан ташқари чакана наҳрлар ошганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўз ҳодимларига компенсациялар тўлашлари зарур. Натижада, (ҳозирги пайтда қолқозлар, совхозлар ва хўжалиқлар корхоналар, республикада уларнинг сони 2 мингдан ортиқ), ўзлари оладиган фойданинг катта қисмини ана шу чиқимлар ва харажатларни қоплаш учун сарфлашга мажбурдирлар. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик корхоналари жиддий молиявий қийинчиликлари бошдан кечирмоқдалар, уларнинг банклардан ва

«Қишлоқ ҳақиқати»га жавоб берадилар

«КОЗОН-ТОВОҚ СУВГА ТАШЛАНДИ»

«Бўтақордан дилимиз сиёҳ бўлиб қайтдик. Фурқат ҳазратлари «Чархи кайроғдорининг бир шеваидан доғман» деб бежиз айтмаган экан. Дала-меҳнатқилларини бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлашни ҳеч ким зиммасига ололмади-я. Район катталаридан ҳам саволи-мизга тайинли жавоб тополмадик. Эндиги умид вилоят раҳбарлариди. Ишонимизки, улар дала меҳнатқиллари дарағига малҳам бўладилар. Қолаверса, хўжаликнинг ўзида ҳам тушлик овқат учун масалиқлар етиштириш қораларини излаш лозим. Бунинг учун эҳтимов шийонларда ёрдамчи хўжалиқларни йўлга қўйиш керакдир».

Мазкур сатрлар рўзноманинг 1991 йил 24 июль сонида босилган «КОЗОН-ТОВОҚ СУВГА ТАШЛАНДИ» сарлавхали мақоладан келтирилди. Ушбу мақолаи текшириб, чора қўриш учун Андижон вилоят совети ижроия комитетига юборгандик. Яқинда вилоят ижроия комитети раиси Б. ВОЛТАБОВдан қуйидаги мазмунда жавоб олдик:

Мазкур мақолада кўрсатилган камчиликлар ҳалқ депутатлари вилоят Совети ижроия комитетининг топиширига биноан Андижон район раҳбарлари томонидан ўрганиб қилинди.

«Партия XXII съезди» жамоа хўжалигида 14 та пахтачилик бригадаси бўлиб, қозлаб қолқозчилар фаолият кўрсатишмоқда. 1991 йилда ушбу бригадалар дала шийонларидан қолқозчилар учун иссиқ овқат ташкил этиш мақсадида Найман матлубот жамияти

орқали 2 тонна ёр, 200 кг чой, 1 тонна гуруч, 1 тонна мош ажратилди. Бундан ташқари жамоа хўжалигининг ички имкониятидан фойдаланиб 174 кг мол гўшти, 250 кг гуруч, 400 кг пёз маҳсулотлари билан таъминланган.

Район матлубот жамиятлари уюшмасига, хўжалик раҳбарларига барча имкониятлари тўла ишга солиш ва ундан самарали фойдаланиш, дала шийонларини узлуksиз равишда иссиқ овқат билан таъминлаш вазифалари юклатилди».

А. МАМАТКАЗИН.
Вилоят ижроия комитетининг раисининг ўринбосари

ЧОРАСИ ТОПИЛАДИ

«Президентимизнинг фармони билан фуқароларга уй-жой қуриб олишлари учун ер участкаси берилган эди. Афсуски, қурилиш материаллари топишда жойларда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Избосан район Пайтўғ шаҳрида қурилишчи михларин топиш муаммога айланган қолди. Мух нозил Пайтўғ шаҳар хўжалик дўконларига келмай, сотувчилар бундай мақсулот умуман дўконларга келмай, аҳолининг айтишиди. Кейин район матлубот жамиятлари уюшмаси раиси Раҳматулла Сотолдоевга ариза билан мурожаат қилдим. У ҳам шартнома бўлмаганлиги учун мих келмаётганини айтиди.

Хурматли муҳаррират! Изгарин, совуққа қолмасдан иморатларимизни тиклаб олиш учун бизга мих топишда ёрдам берсаларингиз...».

Мазкур сатрлар Шокир Мавлоновнинг бизга йўллаган шикоят хатидан келтирилди. Биз ушбу шикоят хатини текшириб, чора қўриш учун ҳалқ депутатлари Избосан район Совети ижроия комитетига юборгандик. Яқинда район Совети ижроия комитети раиси У. ИБРАГИМОВ имзоси билан жавоб олдик:

«...Шокир Мавлонов муҳарриратта йўллаган хатидан уй-жой қурилиш учун мих топилаётганлигидан араз қилган. Район ҳудудидан жойлашган районлардан улгурчи савдо базасининг директори К. Тўхташевнинг таъкидлашча, мих асосан Ўзбекистондаги ортиқча қилинган машинасозлик заводидан олинади экан. Лекин шу кунгача 1991 йил учун тузилган шартнома имзоланмаган. Натижада 1991 йил давомида районлардан улгурчи савдо базаси мих олмаган.

Шунга қарамадан район ижроия комитети рўйхатидан ўтган «қохруқ» кичик корхонаси ўз ички имкониятларидан фойдаланиб, мих тайёрлаш мессаларини ишга солиди ва мих учун хом ашёни келиштирил наҳрлардан олиб келмоқда. Корхонада мих тайёрланиб, оз бўлса-да аҳолини унга бўлган эҳтиёжни қондирилмоқда».

Йиллар мобайнида тоғ этакларидаги қишлоқлар назардан четда қолди. Жўмладан, Бойсун районидан «Қўрғонча» давлат хўжалигининг умумдор ерларидан фойдаланилмади. Озиқ-овқат маҳсулотларига танқислик сезилгач, бекор ётган ерларга эътибор қаратилди. Улар ўзлаштирилиб, бог-роғлар, экинзорлар барпо этилмоқда.

Районда сув тақини. Ҳатто «Томорқалда» дов-даракларини сугориш ҳам азоб. Шунинг натижасида экинлар тўғиб сув ичмайди, ҳосилдорлик яхши бўлмайди. Қийин шароитда умумдор боллар яратиб афсонавий гап. Аммо омишкор, ташаббускор кишилар ўзларини кўрсатишапти. Мутахассисларнинг фикрича, тоғ ёнбағирларида бўш ётган 4.000 гектар ер ўзлаштирилса, мўл ноз-неъмат олиш мумкин. Шунда район тўғиб мева-чева билан таъминланади.

«Қўрғонча» совхозига 1,5 минг гектар майдондан бог қилиш имконияти бор. Утган йили Мирза Нуров тажриба учун 70 гектар майдон

да деҳқончилик қилди. — Жумҳурият ер лойиҳалаш («Узгипрозем») олийгоҳидан ўтган йили мутахассислар келишиб шаронтини ўрганишди. Улар мевали даррахт кўчатлари ўтказиш мумкин, дейишди. Ҳамжиз ҳаётликда иш бошлаб юбордик. Не машаққатда ер ҳай

далди. Аввал икки марта чизеаллаб, кейин молалашга тури келди. Асосий эътибори намуначиликни сақлаб қолтишга қаратилди. Акс ҳолда ҳаракат эме кетарди. Беш гектар ерга олма кўчатлари шахмат усулида экилди. Минг азобда уларни кўкартириб олдик. Қолган ерга

далди. Аввал икки марта чизеаллаб, кейин молалашга тури келди. Асосий эътибори намуначиликни сақлаб қолтишга қаратилди. Акс ҳолда ҳаракат эме кетарди. Беш гектар ерга олма кўчатлари шахмат усулида экилди. Минг азобда уларни кўкартириб олдик. Қолган ерга

галла ўстирдик. Натижа ёмон бўлмади.

Тоғ ёнбағирларида бўвуд этилган боллар киши баҳри-длинни очади. Соҳибкорлар келгуси йилда 10 гектар ерга жийда, олма, нок кўчатлари екишмоқчи. Омборхоналар ҳам қуриш режалаштирилган. Сирдан қараганда уларнинг ҳаммаси оддий ишдек туюлади. Аслида ҳар бир тадбирин амалга ошириш боргонлардан омишкорлик, сабот-матонатни талаб қилади.

Қалби яшаш, яратиш иши билан ёнган кишилар билан ҳайратлар эканмиз, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланди. Лалим ерда бог яратган ишбилармонлар тажрибаси кенг омилаштиришга жонс.

Бир нарсга қўнглини хижил қилди. Мирза ака, унинг шогирдлари ҳанузгача тракторлар билан таъминланганмади. Мутасадди ўрғондор ташаббускорларга амалий ёрдам ва мадад кўрсатишлари керак. Ахир бундай тажриба биринчи бўлиб шу хўжаликда қўлланилмоқда.

И. АХМЕДОВ.

ХАР ҚАДАМИ АЗИЗ-МУЪТАБАР

Яқинда табиатнинг бетанроқ бойликлари — сув, tupроқ, ҳаво, наботот ва ҳайвонот дунёсини авлодлар учун асраб-авайлаш, сақлаш ҳақида ўйлаётган барча кишиларнинг байрами — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш умумжаҳон кўни бўлиб ўтди.

Утган йили жумҳуриятда шу соҳада муайян ўзгаришлар юз берди. Ҳукуматнинг «2005 йилгача бўлган даврда республиканинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатнинг асосан қилинишидан асосий мақсад одамлар саломатлигини, экологик мувозанатини сақлаш ва табиатдан оқилона фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратишдир.

Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича жумҳуриятда олиб борилаётган ишлар доирасида ноб табиат жойлари: горлар, шаршаралар, булоқларини асраш, ҳам унутмаслик керак. Тадқиқотларнинг кўрсатишча, фан ва эстетика нуқтаи назаридан бебаҳо ва ноб табиий ёдгорликлар аста-секин нурамоқда. Шу босидан жумҳуриятнинг ҳар бир фуқароси — олим, ишчи, талаба ўқувчи бундай жойларни билиши, уларни сақлаш учун ҳаракат қилиши даркор.

Республика Фанлар академияси заминшунослик бўлимининг «Атроф муҳит муҳофазаси» лабораторияси ҳодимлари ўтказган илмий-сайёр тадқиқотлар жумху

рият ҳудудидан 400 дан ортиқ ноб табиат жойларини аниқлаш имконини берди.

Хўш, вилоятларда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Сурхондарё вилояти кўпроқ жонсиз табиат нодирликларига бой. Бу ердаги тоғ тизмалари, қўқилларда қўлаб турли ўлчамлардаги горлар, унгулар, ўйиқликлар таркиб топан. Дарбанд, Мингчуқур, Қорақамар Унгул мажмуи, Тешик-тошгор ва бошқалар шулар жумласидандир. Кўп миқдордаги сув тармоклари мавжуд. Доний тектоник жараёнлар эса турли баландликдаги шаршараларни вужудга келтиради.

Самарқанд вилоятидаги тоғли ҳудуднинг катта қисми қадимий тоғ тизмаларида иборат. Зарафшон қияликлари, Туркистон ва Нура тоғ тизмаларида қимматбаҳо металл маъданлар қазиб олинган кўнча қонлар, горлар қўлаб учрайди. Республикадаги энг мажкур гор ҳам шу ерда жойлашган. Унинг чуқурлиги 1600 метрга етди.

Қашқадарё вилояти ҳам тоғли, ҳам савроний ҳудудни қамраб олган. Китоб қўриқхонасида турли геологик даврларга тегишли ётқинлар бор бўлиб, ўша давр ўсимликлари ва ҳайвонларининг тоғта айланиган нусхалари сақланиб қолган. Қўриқхона қопида ўлканинг геологик тарихидан ҳикоя қилувчи ноб музей мавжуд. Қўлаб мамлакатларнинг геологлари турли даврларни

ўрганиш учун мазкур қўриқхонага келиб туришди.

Қоратепе тизмасининг жанубий қисмида жумҳуриятимиздаги нодир жойлардан бири — Амир Темур гори жойлашган. У Юкюр Тарағай ва Ўғ Говхона сойларининг бошланғичидаги ёрқин палеозой оҳангити қояда таркиб топан. Мазкур гор сайл-томоша ва зиярат жойи сифатида маҳаллий аҳоли ўртасида машҳур.

Қашқадарё вилоятидаги яна бир ноб табиат нитиоми Янкабоб район ҳудудидан Ҳисор биосферик қўриқхонасида жойлашган Тошқўрғон диназаврлар излари майдондир. Бу ерда йиғилган материаллар, илмий ўрганиш натижалари олимларга йирик қарнозаврнинг янги турини аниқлаш имконини берди.

Бухоро вилояти гидрография режа бўйича Самарқанд вилоятининг давомидир. Янги даврларда янги бу ҳудуд доирасида йирик шаршарлар йўқ эди. Зарафшон, Уқудуқ, Навоий каби шаршарларнинг қурилиши аҳоли сонининг ўсishi туфайли кишилар учун дам олиш жойларини яратиш муаммоси пайдо бўлди. Бу жихатдан Нурута ва Қоратов тизмаларининг жанубий қисмлари жиддий тадқиқотга молик. Бу ерларда мусофҳо сойлар ва булоқлар ҳам, турли ўсимликлар билан қопланган қияликлар ҳам, ҳар хил ҳайвонлар шаклига ўхшаш ажойиб улкан харсантошлар ва ноб табиат бурчаклари мавжуд.

Вилоят ҳудудидан асосан

қадимий сағаналар билан боғлиқ қўрғонлар, кўнча қалалар ва тарихий аркларнинг харобалари учрайди. Сахро кенгликларида иссиқ сувли чашмалар мавжуд. Улар баълонолик аҳамиятга эга бўлса-да ҳозирги кунда тўлиқ фойдаланилмайди. Жонсиз табиат нодирликлари қаторига воҳалар ичида мўъжиза билан омон қолган айрим қумли майдонларин (Чилдухтарон) қўйиш мумкин. Қийинликда ажойиб қумли жойлар, ҳатто сирли «қувловчи қумлар» ҳодисасини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда Бухоро вилояти ҳудудидан зўр бериб ўзлаштирилаётгани ва антрологик характердаги объектларнинг (дренаж, қолтир ва ҳоказо) қурилиши сахро ландшафтининг аҳолини ёмоялаштираётган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишча, Оролбўйида ҳам қўлаб нодир табиат бурчаклари бор. Султонбайс ва Белтов тоғларидан қизилқармиқ геологик очилмалар кўп. Қорақалпоғистоннинг сахроли қисмида «чакалак» ва «купак» деб аталувчи қум тепалар учрайди. Бу ерда йирик туз манбаси ҳисобланувчи шўр қўллар (Қораимбет) топилаган.

Қорақалпоғистондаги сув манбалари, жумладан унинг жанубий-ғарбига жойлашган Сарикамаш қўли ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Бу қўлга ҳозирда Тошоваз ва Қораз вилоятларининг сугорилган ерларидан ўтувчи Даралиқ коллаториянинг оқаваси қўйилмоқда. Ҳолбуки, қўл сувидан ҳалқ

хўжалигида, шўрга чидамли экинларни сугоришда ва Орол деңизидан сув сатиҳини тўндришда фойдаланиш мумкин.

Қирқиз геологик очилмаси Жиззах вилоятининг табиий дурдонасидир. Мазкур жой Туркистон тоғ тизмасида, Бахмал туманидаги Зомин қўриқхонасида жойлашган. Бу ерда қатламли тузилмалар таркиб топан. Турли минералар ва нотўғри пирамидалар тарзидаги қўрмак силлиқ шакллар учрайди.

Республиканинг табиати бой. Бироқ унинг қўлаб нодир ажойиботлари ҳанузгача ўрганилмаган. Биз аниқлаган табиат обидалари рўйхатда олинди. Улар «Ўзбекистондаги ноб табиат жойлари» (Қизил китоб)га киритилди. Тўртта обид (Қўлбулоқ волеостли маналгоҳи, Амир Темур гори, Тошқўрғон динозавр излари майдони, Қирққиз геологик очилмаси Республика ФА география бўлими илмий кенгаши ҳамда «Инсон ва биосфера» ЮНЕСКО дастури бўйича Ўзбек миллий комитети томонидан «Умумжаҳон мероси рўйхати»га киритиш учун тавсия этилган.

Табиат жойларини ўрганиш давом этаётган. Қатор ҳодимларимиз узоқ мuddатли Буюк ипак йўли ЮНЕСКО дастури экспедициясида қатнашмишмоқда. Уларнинг йўллари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ҳудудидан ўтиб, мамлакатимиз чегараларидан ташқарига ҳам чиқади.

Б. БАҲРИДИНОВ.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Атроф-муҳит муҳофазаси» лаборатория мудири.

Э. ЧЕМБАРISOV,
лаборатория катта илмий ҳодими.

ОЛТИН ОЙ

Октябрь серқуш Ўзбекистонда йилнинг олтин ойи ҳисобланади. Боғлар, хлебонлар, ўрмонлар, йўл бўйлари, пахта пайкаллари, темир йўлларнинг янги томонлари куз жамолини кўз-кўз қилмоқда.

Қайин, терак, чинор, дуб, заранг, аргувон ва мевали манзарали дарахтлар ўзгача тус олмақда. Куз ёмғири тоза қилиб ювган барглар шохларидан умқоқда. Хазон-резги дамлар бошланиди. Сарғиш барглар шамол эса ерга дув-дув тўқналади.

Октябрь келган бўлса-да, аммо ҳали ҳаво нисбатан қуруқ. Тўғри, ой охирида қўр ёққан йиллар ҳам бўлган. Одатда бу даврда ёққан қор тезда эриб кетади. Об-ҳаво илқилиги сақланиб тураверади. Сўғиш куз ҳалла-лар, полизлар, боғларда ҳосил йиғим-теримини якунлайди. Пахтакор ҳўжаликлар маррага етганликлари тўғрисида галаба номасига бирин-кетин имзо чека бошлайди.

Қушларнинг ялпи учиб кетиши айни октябрь ойига тўғри келади. Баҳорда қанотлилар шимолӣ ўлкалардан бизга учиб келишди. Сув ҳавзаларимизда дам олишди, овқатланиб, куч тўпашди. Совуқ кунлар келиши билан узоқ йўлга отланишди.

Чордара сув омборининг жанубий чеккаларида, Арна-сов тошқинларида, Сирдарё бўйларида, Амударёнинг қўйи қисмида чақалоқлар, ўрдақлар, лойхўрлар, айниқса кўп. Тезда уларга гозлар, оққушлар, бирқозонлар келиб қўшилиди.

Пахта далаларида эрталаб ва кечқурун чуғурчиқларнинг катта-катта галалари пайдо бўлади. Узоқдан улар булутга ўхшаб кўринади, гала-гала бўлиб бир пайкалдан иккинчисига кўчади.

Кечаси осмон қатъридан

жаси ва ҳайвонлар оёғи излари. Типратикан ва қушлардан тортиб калтакесаклар ва илонларнинг ҳам изи бор.

Кун очилиб кетган қоқ туш пайтларида жониворлар яна бир бор исиниб олиш учун очик жойларга чиқишди. Тўғри, тошбақалар, юмронқозилар, суғурлар ҳозир кўринмай қолди. Бу баҳорга қадар давом этади.

Бу йил октябрь ойи ўзгача манзара олади. Водийлар ҳамон кўм-кўк бўлиб турибди. Ёзининг иссиқ келиши, кузнинг эрталабни лаҳзаларида намгарчиликнинг юқори бўлиши ўсимликларнинг ривожига имконият яратди. Бу иккинчи ўсиш деб аталади.

Чотқол дараларида, Ну-рота тоғларида, Ғарбий Тянь-Шань қияликларида тўғиз, жайра, бўрсиқ, айиқ, баъзан архарлар наъматак, ёввойи малина, маймунжон ўсиб ётган ерларга мева егани келишди. Улар ҳайвонларнинг ҳам тўйимли овқатидир.

Таъкидлаш жоизки, табиат бағрига ҳамиша яхши ният, очик кўнгил билан чиқиш зарур. Жониворларни тутиш, жароҳатлаш, ўлдириш мутлақо мумкин эмас. Уларнинг ҳам табиат қўйнида ўз жойи, бошпанаси бор.

Ой охирига бориб туёқли ҳайвонларда учрини даври бошланади. Буғулар, эчкилар, анқарлар, жайронлар ўз жувтини бошлаб, сайр қилишди. Янги авлод пайдо бўлади. Улар бошларини биргаликда боқишади.

Куз—йилнинг энг ажойиб, бўёқларга бой палласи. Табиатдаги қизик ҳодисалар даври бу.



Ойнома

ОКТАБРЬ					
ДУШАНБА	6	13	20	28	
СЕШАНБА	1	7	14	21	29
ЧОРШАНБА	2	8	15	22	30
ПАЙШАНБА	3	9	16	23	31
ЖУМА	4	10	17	24	
ШАНБА	5	11	18	25	
ЯКШАНБА	6	12	19	26	

Осиёда, Ироқнинг шимолӣ қисмида, Эронда, Афғонистонда, Ўзбекистонда ёмғир ёғади.

Ҳиндистоннинг жанубий қисмида, жануби-шарқда, Ҳинди-Хитойда, Чин (Хитой)нинг жанубий қисмида, Япония жанубида ёз ҳавоси.

КУРРА ТАБИАТИ

Мезон охири, ақрабнинг биринчи ярмида Шимолӣ Америкадаги Аппалачи тоғларидаги ўрмонлар ўзига хос манзара касб этади: Кўк, қор, қоратроқ ва Яшил тоғлардаги дарахтзорлар афсонавий гўзал, мафтункор кўринишга эга бўлади. Шакар заранг дарахтининг барги тўқ қизил, дубнинг олтин ва жигар-қизил, бошқаларнинг япроғи эса худди қон рангида товланиб, тенги йўқ манзара ҳосил қилади.

Ўрта денгиз соҳилларидаги ўлкаларда, Кичик

Мезоннинг охириги, ақрабнинг дастлабки кунларида ҳаётининг (экватор) атрофи, ҳусусан жануб томонларида кучли ёмғир ёғади. Ҳаттистиво теварагида ақрабнинг дастлабки кунларида тонг отиш ва кўёш ботишда гира-шира бўлмайди. Офтоб қандайдир бир неча дақиқа мобайнида уфқдан кўтарилади, оқшомда эса ботиши билан борлиқда тун пардаси ёйилади.

Шри Ланка жанубида Ҳинд уммони соҳилида кўёш ботишининг акойиб манзарасини кузатиш роҳатинжон.

Жиззахдаги Дўстлик тиббиёт билим юртининг 500 нафар талабаси райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» давлат хўжалигида узум теришда қатнашмоқда. Улар ҳар кун 120—130 тонна узум териб беришмоқда.

— Моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли ишмис унумли бўлмоқда, — дейди билим юрти директори С. Саидкулов.

СУРАТДА: меҳнат жабҳасида ғайрат кўрсатган толиби илмлардан бири Нигора Усмонова.

У. ҚУШВҚОВ
олган сура.

ЎЗ ХИСЛАТИ БОР

Ҳижрий йил ҳисоби бўйича юртимизга мезон ойн кирди. Арабча бу сўз форс тилида тарозу, ўзбекчада эса тарози деган маънони англатади. Мезон 22 сентябрдан бошланиб, 22 октябрга қадар давом этади. Каллаи сахарда осмонга нигоҳ ташласангиз, бу юлдузлар фалак гўлбазининг қоқ ўртасида чарақлаб кўринади.

Одатга кўра, бу ой девомида кун қисқариб, тун узайиб, ўртача ҳарорат 16—20 даражани ташкил этиши керак. Аммо баъзан қутилмаган ҳо-дисалар рўй бериши мумкин. Масалан, 1949, 1957 ва 1985 йилларнинг 12 октябрыда қор ёққан.

Демак, мезоннинг бошқа ойларга ўхшамидиган томонлари бор. Бу ойда туғилган кишилар феъл-атворида ҳам ўз ифодасини топади.

Ф. ОЧИЛОВ.

ДАРАКЧИ

Октябрь — амалдаги тақвим бўйича йилнинг ўнинчи ойи. У лотинча «окто» — «саккиз» сўзидан олинган бўлиб, қадимги римликларда, янги йил март ойидан бошланган тақвимда йилнинг саккизинчи ойи ҳисобланган.

Мучал йили ва ўн икки бурж ҳисоби бўйича 22 сентябрдан бошланган мезон ойн 23 октябргача давом этади. 22 октябрдан эса навбат ақрабга келади.

Демак, октябрь мезонининг 9-кунидан бошланиб, ақрабнинг саккиз кунини ўз ичига олади.

Мезон арабча сўз бўлиб, тарози деган маънони билдиради. Мезон буржи Илон, Илон элтувчи, Ақраб, Сунбула юлдузлар туркумлари орасида жойлашган.

Арабча ақраб сўзи чаён деган маънони билдиради. Ақраб буржи Илон элтувчи, Мезон, Бурж, Бурҷак чизиги юлдузлар туркумлари орасида жойлашган.

Мезон кириши билан Ўзбекистонда олтин куз бошланади. Мезоннинг биринчи ярми йилнинг об-ҳавоси ёқинли ва тўқини даври ҳисобланади. Бу пайтда кишини толиқтирадиган иссиқ кунлар ёқинли-салқин ҳаво билан алмашинади.

Ақраб бошланиши билан осмонда булутлар кўпайиб, ёмғир ёғади. Об-ҳаво, тез-тез ўзгаради. Қуёшли кунлар кўпинча совуқ ва ёмғирли кунлар билан алмашиниб туради, қиров тушади. Баъзи йилларда ақрабнинг дастлабки ҳафталаарида ёмғир қорға айланиши ҳам мумкин.

Мезон охири, ақраб бошида қўзғун, загча ва қарғалар учиб келади. Ўсимликлар баргини совуқ уради. Айрим йилларда ақрабда илқ кунлар бўлиб, ҳаво исини мумкин. Ана шундай илқ кузда гунафшлар очилади.

Мезон охири, ақраб бошида об-ҳаво қуруқ ва илқ келса, дарахтларнинг барглари хилма-хил рангда, ўзига хос гўзаллик касб этади. Тоқ, ўрик, ноқ, шафтоли япроқлари қизғиш туста қиради. Айниқса, ўрик ва тилос барглари мафтункор: сариқ, зарғалдоқ, сўнгра қизғиш, ниҳоят тўқ қизил ранг олади.

Ақраб кириши билан воҳаларда савва пайдо бўлади. Илон, калтакесак, бақа, қурбақа ва типратиконлар кишини уйқуга кетади.

Т. ҒОФУРОВ.

ҲОСИЛНИ АҚРАБГА ҚОЛДИРМАНГ

Омилкор деҳқонлар йилнинг қай фаслида об-ҳаво қандай келишини олдиндан яхши билдилар. Улар кўп йиллик феолиятлари давомида бой тажриба тўплаганлар ва шунга қараб иш қўрадилар.

Вун-тарвузлар ўн-ўн икки кун мезон офтобига ёйиб қўйилади.

Бу ойда боғбонларнинг ҳам таъминоти кўпайди. Улар узум ва бошқа қузни меваларни йиғиб оладилар. Анор сал кейинроқ йиғилади. Сўнгра ток, анкир, анор шохларини кесиб ва қўмиш-ла киришдилади. Мевали дарахтлар қатор ораси, боғлар уча бошлади, ҳавонинг аввоий бузилиб туради. Бу — деҳқонни ҳосилини йиғиштиришни тезлаштиришга даъват.

Тадбиркор асоҳибкорлар қишга сақланадиган олма, нок, нашвати, анор каби мевалар, ошқовоқ, қовун-тарвуз мезон шамол теккандан сўнг йиғиб олади. Нав-бир кунидан унумли фойдаланиш керак.

Шундай қилиб, мезон деҳқончилиқда кўп ишлар ниҳоятга етиб, бўлажан Америкада кенг тарқалган, СССРда 40 турли ўсади. Улар Ўрта Осиё, Кавказ, Қрим ва Узоқ Шарқ ноҳияларига мавлашган.


Халқ тиббиётида турли хасталиклари даволашда фойдаланилади. Меваси киши толиққанда, ақлий ҳоҳинликда, уйқусизликда, юрак атрофияда оғрик пайдо бўлганда яхши шифо беради. Абу Али ибн Сино ундан ич кетишни тўхтатувчи восита сифатида тавсия этган.

Яна қўпгина касалликларга давоки, бунинг боиси таркибда дермондорилар, жавҳарлар, турли моддалар кўп.

Г. ФОЗИЛОВ.

Наботот олами

ДўЛАНА



Мухаррир Н. ВҚУБОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

ЧОРШАНБА, 2 ОКТАБРЬ

● I ПРОГРАММА

- 8.00 «Азборот».
- 8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
- 8.35 «Дарё орти, олис қишлоқ», Бадий фильм [А. Довженко режиссурида].
- 9.50 «Ешлик» студияси савол-лариниқчага жавоб беради.
- 18.00 Янгилуқлар.
- 18.10 «Мушукча ва канарейка», Мультфильм.
- 18.20 «Элга хизмат: талаб ва тақдир».
- 18.30 «Жидхонда».
- 19.30 «Азборот» [рус тилида].

● II ПРОГРАММА

- 19.50 «Тилга эътибор...».
- 20.30 «Директор ҳикоя қилади», Кўрсатувни Ўзбекистон халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради.
- 21.00 «Азборот».
- 21.25 «Ҳорманг, пахтакорлар!», Кўрсатув ва концерт.
- 22.25 «Мушукчилик: илк одимлар», Видеофильм.
- 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● III ПРОГРАММА

- 10.30 «Набатот оламида», Кинопрограмма.

ТОШКЕНТ, 2 ОКТАБРЬ

● IV ПРОГРАММА

- 11.30 Чортоқ шаҳридаги 2-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Раҳимбой Жўрабоев билан уршуш.
- 19.05 Болалар учун фильм. «Бизнинг Чучукалани».
- 20.00 «Пулси», Хабарлар.
- 20.10 «Ҳамроҳим гитара», Концерт.
- 20.40 «Оққушлар қишлоғи жойда», Телефильм.
- 20.50 «Светлана Бабакина. Чорак асрдан сўнг...».
- 21.30 Москва. Информацион программа.
- 22.10 Мусиқий лавҳалар.
- 22.40 «Эхтиёт бўлинг, буви», Бадий фильм [Аленфильм].
- 24.00 Футбол. Кубок эгалари.

ТОШКЕНТ, 2 ОКТАБРЬ

● V ПРОГРАММА

- 18.30 «Тулқи, сувар ва бошқалар», Катталар учун мультфильм.
- 18.50 «Урф-одат ва анъаналар», Кинопрограмма.
- 20.00 «Тоғ қўшиқлари», Телефильм.
- 20.30 ЎзТВ хазинасидан, «Оталар сўзи — ақилинг кўзи».
- 21.30 Москва. Информацион программа.
- 22.10 «Анна Каренина», Бадий фильм. 2-серия [рус тилида].
- 22.10 Мусиқий лавҳалар.
- 22.40 «Эхтиёт бўлинг, буви», Бадий фильм [Аленфильм].
- 24.00 Футбол. Кубок эгалари.

ТОШКЕНТ, 2 ОКТАБРЬ

● VI ПРОГРАММА

- 9.50 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Торпедо» (Москва) — «Галле» (Германия).
- 10.00 ТСН.
- 11.30 «Хореография новеллар», СССР халқ артисти М. Лавровский иштирокида фильм-балет.
- 12.15 «Чемпионлар билан биргаликда».
- 12.30 ТСН.
- 12.45 «Болалар мусиқий клуби».
- 13.15 Менеджерлар мактаби.
- 13.45 «Онам, дадам ва мен».
- 15.30 ТСН.
- 15.45 «Сўнги репортажи. Телевизион бадий фильм. 1-серия [Рига киностудияси].
- 16.50 «Сехри олма», Мультфильм.
- 17.10 Болалар соати [инглиз тили дарси билан].
- 18.10 «Сўнги мулоқотлар».
- 18.55 «Ён дафтар».
- 19.00 ТСН.
- 19.15 «Планета».
- 20.00 «Телевизион-дайджест». Совет телевидениесининг 60 йиллигига бағишланган махсус кўрсатув.
- 21.30 Информацион программа.
- 22.10 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» (Москва) — «Вацки иззо» (Венгрия).
- 22.40 «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Савдо растаси». Тижорат хабарлари.
- 24.00 Оддий чет эл. «Шведлар дастурхони». 1-фильм.
- 00.30 МТ экранда биринчи марта «Аблах». Бадий фильм [«Озарбайжон-фильм»].

ТОШКЕНТ, 2 ОКТАБРЬ

● VII ПРОГРАММА

- 18.10 «Сўнги мулоқотлар».
- 18.55 «Ён дафтар».
- 19.00 ТСН.
- 19.15 «Планета».
- 20.00 «Телевизион-дайджест». Совет телевидениесининг 60 йиллигига бағишланган махсус кўрсатув.
- 21.30 Информацион программа.
- 22.10 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» (Москва) — «Вацки иззо» (Венгрия).
- 22.40 «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Савдо растаси». Тижорат хабарлари.
- 24.00 Оддий чет эл. «Шведлар дастурхони». 1-фильм.
- 00.30 МТ экранда биринчи марта «Аблах». Бадий фильм [«Озарбайжон-фильм»].

СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ БИЗНЕС МИЛЛИЙ ДОРИЛФУНУНИ

«НУРИСТОН» Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи тармоқларини ахборотлар билан таъминлаш ва ривожлантириш уюшмаси ҳамда «МАДИ-НА» ва «НАСЛ» брокерлик фирмалари иштирокида 4—6 октябрда шаҳар ташқарисидидаги базада «Пахта маҳсулотлари биржа (улуржи) савдосини ташкил этишининг долзарб муаммолари» мавзусида ўқув-методик семинар ўтказилади.

Семинар қатнашчиларига норматив ва қўлланма-методик материаллар туркуми, курсни ўтаганлиги тўғрисида сертификат берилади. Бир киши учун сарф-харажатлар ҳақи — 1100 сўм.

Алоқа боғлаш йўллари: тел.: 67-93-00, 45-74-58, факс: (3712) 67-06-13. Аризалар 2 октябргача қабул қилинади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ҲУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ. «ЎЗПОД-ОВОШЧИВНПРОМ» КОНЦЕРНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ. «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЖАМОАСИ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-54-48. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиш бўлими — 32-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33, 32-56-37. Азборот ва спорт бўлими — 32-54-54, 32-56-37. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатил бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.